

# KHOREZM "KAYROK LAZGISI" DANCE PHONOSTILISTIC PROPERTIES

**HULKAR KHAMROEVA**

State choreography of Uzbekistan  
Senior Lecturer of the Academy,  
Candidate of Philological Sciences  
(Tashkent, Uzbekistan)

## **Annotation.**

"Kayrak Lazgisi" belonging to the school "Khorezm lazgi raksi" has a unique history and unique style of performance. As one of the most multifaceted, rich and polished works of all time, it reflects the values, traditions and customs of the past, the way of life and aspirations of the people in various forms. This article examines the linguocultural and phonostylistic features of "Kayrak Lazgis".

## **Keywords.**

National dance, dance, applause, the Great Silk Road, traditions, games, customs, the stage of development.

Миллий маданиятлар тараққиётида ноёб тарихий эврилишларни ўрганиш, уларни жаҳон маданиятига сингдириш ва бойитиш муҳим аҳамият қасб этади. “Ўзбек тилининг коммуникатив вазифаси ва халқимизнинг лингвокультурологик савияси тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда тилимизнинг функционал услублари доирасидаги тадқикотларни янада такомиллаштиришга, ҳар бир услуб учун хос бўлган лингвистик ва экстраграфик воситаларни умуминсоний мулоқотларнинг замонавий талаблари даражасида қайта таҳлил этишга эҳтиёж сезилмоқда.”<sup>1</sup> Ҳар бир халқнинг анъанавий-маънавий маданиятининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланган миллий рақс санъатини лингвокультурологик тадқиқ қилиш замонавий тилшунослик ва санъатшуносликнинг муҳим масаласидир. Илк ўйинлар қарсак, қайроқ ва таёқларни уриштиришдан ҳосил бўлган энг оддий усуллар билан ижро қилинган. Кейинчалик, уларга усул берувчи чолғулар пайдо бўлган. Доира, қайроқ ҳам шундай чолғулардан ҳисобланади.

Маънавий маданият хусусиятлари асосан урф-одатлар, анъаналар, миллий қадриятларда, мусиқа ва рақс санъатида ёрқин намоён бўлади. Таникли санъаткор Р.Курбоновнинг фикрича, “Рақс жуда қадимий санъат бўлиб, ҳали одамзотнинг тили шаклланмасдан олдин дунёга келган санъатdir. Ибтидоий даврда одамлар тўда – тўда бўлиб яшашган. Бир тўда иккинчи бир тўда билан мулоқот қилса, турли имо - ишоралар ёрдамида “гаплашиш”ган, чақмоқ чақиб, ёмғир ёғса, ўрмонга ўт кетса, сув тошқинлари ёки курғоқчилик бўлса, инсонлар қорин тўйдирishi мақсадида овга чиқиши ёки кутурган ҳайвон келаётганлигини ўз тўдаларига етказмоқчи бўлишса, ва ҳоказо ҳодисаларни бир – бирига ҳаракат орқали тушунтиришган. Кейинчалик қилинган ишнинг натижасида хурсандчилик ифодаси сифатида ибтидоий рақс пайдо бўлган.”<sup>2</sup>

Маълумки, инсон товушлар ва оҳанглар оламида туғилади ва уларнинг таъсирида улгаяди. Масалан: чақмоқ чақканда гумбурлаган, ёмғир ёқканда шитирлаган товуш эшитилади ёки шамолда дарахт баргларининг тебраниши, шитирлаши, ёмғир

<sup>1</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. – Б.-110.

<sup>2</sup> Курбонов Р. Санъатнинг сирли олами .Санъатнома 1.Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Т.,2011. Б. -56.

томчиларининг ерга урилиши, қушларнинг сайраши. Инсон меҳнат жараёнида ҳам ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ранг – баранг товушлар яратади. Қадимда ёғочни - ёғочга уриб йиртқич ҳайвонларни ҳайдашган. Ҳайвонларга тақлидий оҳанглар билан болаларни кўрқитишган. Тошни – тошга, ёғочни – ёғочга, темирни – темирга уриш орқали хосил бўладиган шовқинлар инсон руҳиятига ўзига хос таъсир ўтказган. Азал – азалдан инсон онги шуури ва маънавиятининг шаклланишида табиат ходисалари, атрофдаги оҳанг ва меҳнат жараёнидаги “така - тук” товушлари ўзига хос аҳамият касб этади. Инсон эшитиш кобилияти туфайли атрофдаги турфа товушларни тинглайди. Уларни бир – биридан ажратади. Қадимда Буюк ипак йўлида ота – боболаримиз савдо қарvonлари билан туяда, отда, тоғли – тошли чўлларда қатнаганлар. Айниқса, отда кетаётганда унинг оёғи остидаги тошлар “шакур – шукур, така – так, чақа - чақ” қилиб овоз чиқараётганини пайқаб қолишибди. Беихтиёр от устидан пастга тушиб, оёқ тагидаги тошларни олиб, бир – бирига уриб кўришади. Шунда иккала тошдан қалбга яқин ажабтовур оҳанг чиқибди. Ёқимли оҳангдан завқланган йўловчилар тошларни отлар туёғи остидан чиқаётган товушларга мос таққиллатиб келганлар. Илгари шунчаки оддий бўлиб туюлган бу товушлар бора – бора инсон қалбига кириб, товуш ритмларидан оҳанг излай бошлаган. Бу түғённи чиқариш учун инсон тошни – тошга, ёғочни – ёғочга, темирни – темирга уради. Кўнглига мос оҳанг излайди. Охири тош билан темирни бир – бирига уриши натижасида кўнглига мос оҳанг топади. Бу оҳанг тош билан темир ритмларини чиқариб берувчи товуш эди. Инсон энди шу товушлардаги оҳангни тинглаб, уларнинг йифиндисидан хосил бўлган бирон – бир воқеликни мусиқа орқали изхор этишни истаб қолади. Шу тарзда махсус тош ва темирдан куй яратган ижрочилар пайдо бўлади. Кейинчалик тош билан темир мусиқа асблолари қаторидан ўрин олади. Бу кайроқ деб атала бошланади. Этнограф-санъатшунос Т.Қиличев тўғри таъкидлаганидек, “Рақкос ёки раққоса харакатлари доира ва қайроққа қўшилиб, ажиб бир ҳаётий композиция хосил қиласида.”<sup>3</sup>

Н.И.Портнованинг “фоностилистика – мулокотнинг турли жабхалари ва вазиятларида фонетик воситаларнинг амал қилиш қонуниятларини тадқиқ этади”<sup>4</sup> дея таъриф бериши рақс санъатидаги қарсак, қайроқ ва таёқларни уриштиришдан хосил бўлган ритмик усулларни фоностилистиқанинг экстралингвистик воситалари сифатида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади.

“Фоностилистика, биринчи навбатда, психолингвистика билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, оғзаки нутқ маълум маънода психологик жараён ҳисобланади ва нутқ ижро этилаётган муҳит муаллифга қанчалик руҳий таъсир кўрсатса, унинг бу ҳолати нутқ мазмунининг тингловчиларга етиб боришига ҳам шунчалик таъсир кўрсатади.”<sup>5</sup> Зоро, инсон ўз танасининг биоритмик фаолиятига мос равишда шундай ритмик оҳанглар орқали ташқи ва ички олам уйғунлигини ҳис қиласида мана шу уйғунликни рақс харакатлари орқали эмоционал-экспресив тарзда ифодалайди. Бу ҳолат эса инсоннинг оҳанг ва харакат мувофиқлиги воситасида психолингвистик мулокотга киришишини таъминлади, яъни ўз ҳис-туйғуларини рақс харакатлари орқали томошабинга “узатади”. Натижада мулокотнинг перцептив функцияси амалга оширилади, томошабин коммуникатор сифатида раққос(а)нинг экстралингвистик тарзда ифодаланган сигналларини “қабул қиласида”. Шунинг учун ҳам рақс санъати инсон қалбини жунбушга келтиради, ҳис-туйғуларига эмоционал таъсир кўрсатади.

**ҚАЙРОҚ** – 1.кесувчи асблоларнинг тиғини ўтқир қилиш учун ишлатиладиган, одатда, узунчоқ ва япалоқроқ силлиқ ёки махсус ишланган тош. 2.Жисми садоланувчи урма чолғу; раққосалар қўлда шиқирлатиб ўйнайдиган бир жуфт чўзинчоқ (қайроққа

<sup>3</sup> Қиличев Т Лазги рақси турлари. Танланган асарлар. “Хоразм” нашриёти, Урганч.,2020. Б. -75.

<sup>4</sup> Портнова Н.И. Фоностилистика французского языка. - М.: «Высшая школа», 1986, -С.6-7

<sup>5</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. – Б. 16.

ўхшаш) тош). <sup>6</sup> Қайроқ – Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарқалган урма мусиқа асбоби. Япалоқ текис қилиб силлиқланган түртта Қайроқ тошдан иборат; улар ҳар бир қўлга бир жуфтдан ушланиб, силкитиб ё титратиб чалинади. Одатда қайроқни рақста тушувчининг ўзи чалади. Қайроқ ўйин – қайроқларни титратиб ритм (усул) чиқазиш. Рақкос уларни бир – бирига урилишидан чиқсан ритмик товушни ўз рақсига жўр қиласди. Қайроқ ўйинни рақста тушувчи бажаради ва шу ритмда ўйнайди. <sup>7</sup> Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёкубова бу фикрга кўшилмайди ва шундай изоҳ беради: “Қадимги ҳақиқий қайроқ усул Хоразмдан бошқа вилоятларда мукаммал вариантда учрамайди.”<sup>8</sup>

XX – аср бошларида яшаб, ижод этган санъаткорлар Машариф Тўқай, Буважон қайроқ, Раим ота Оллоберганов, Солай оталар Хоразм қайроқ рақсининг моҳир усталари хисобланган. XX – асрга келиб, қайроқ оммавийлашиб, тош узунлиги 10 сантиметр, темирнинг узунлиги 16 сантиметр атрофларида бўлган. Қайроқ туфайли Хоразм мусиқа санъати янада мукаммаллашди. Уфориларда, халфалар қўшиқларида энди ўтирган жойида қайроққа ўйнайдиган маҳсус ижрочилар пайдо бўлди. Ўтмишда қайроқ рақсини фақат эркаклар ижро этган бўлса, вақт ўтиши билан аёллар орасида ҳам қайроқ рақси ижрочилари пайдо бўла бошлади. Олия Отамуродова, Саодат қайроқ, Мехрибон қайроқ, Норжон қайроқ, Салима қайроқ, Ўғил қайроқ каби раккосалар бу йўналишнинг устозлари хисобланадилар.

Рақкоса “Қайроқ лазги”ни ижро этиш учун тош билан темирни ўзининг қўл ўлчамига мослаши ва уни машқлар орқали ўз қўлига ўргатиши зарур. Ритмга мос товушлар, резлар, майда резлар мусиқа оҳангига мосланади.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ:

Доира рез бошлайди. ( РЕЗ - {ф.- майда;кичкина} 1. Мусиқа асбобларидан бир ритмда чиқадиган узук – узук қисқа садолар. 2. Шу турдаги куй номи. <sup>9</sup> Рез – торли тирнама чолғу асбобларида ҳосил килинадиган қисқа товуш. Рез – чолғу асбобларидан доира, ногора, танбур, дутор ва бошқа асбобларда қўлланилади)<sup>10</sup>.

Қайроқ “чирррр – чирр” этган қуш садоси резини бошлаб чиқади. Бирдан тўхтаб қолади. Бу “Лазги”нинг тарихий рақс услубининг бошланишидир. Доира “Лак-лак-лак” деб товуш беради. Қайроқ “так-так-так” деб товуш чиқаради. Доира “лак-лак-лак – у - там” деган садоси янграйди. Қайроқ “так-так-так – у там” деб унга жўр бўлади. Доиранинг ҳар бир оҳанг зарбига қайроқ ўша оҳангда жавоб қайтаради. Бу садолар рақс ҳаракати билан бажарилади. Доира билан қайроқнинг савол - жавоби шу тарзда давом этади ва янги –янги усуллар билан бойиб бораверади. Биринчи бўлим якунланади.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ:

Доира садосининг оҳанглари мураккаблашади. Ритм шиддат билан тезлашади. Қайроқ оҳангти ҳам ундан қолишмай жадаллашади. Мусобака шу тарзда давом этади. Ҳам куйда, ҳам рақсда мураккаб ва ўйноқи услуб яратилади.

### “Қайроқ Лазгиси”да асосан қуйидаги ҳаракатлар кузатилади:

Гавда тўғри ҳолатда иккала қўл қайроқни ушлаганча пастга тушиб туради. Иккала қайроқ ушлаган қўлни тирсакларни бироз букканча юкорига бошнинг утсига кўтарилади.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 5- ж. Тошкент. 2005. Б. - 217

<sup>7</sup> Акбаров И. Мусиқа лугати “Ўқитувчи” Тошкент, 1997, Б.-371.

<sup>8</sup> Матёкубова Г. Лазги Т.2017.49-б.

<sup>9</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 3-ж. Тошкент, 2005. Б.- 370.

<sup>10</sup> Акбаров И. Мусиқа лугати “Ўқитувчи” Тошкент, 1997, Б.-237.

Қайроқ ушлаган чап қўл сал ёнбошга яъни чап томонга очилади. Ўнг қўл қайроқни ушлаганча юқорида қолади. Қайроқ ушлаган чап қўл юқори ёнбошдан пастга ўнг томон кўкрак остига туширилади. Қайроқ ушлаган ўнг қўл юқорида қолади. Ўнг қўл секин биринчи ҳолатга тушади. Бош ва чап қўлга қараб туради. Қайроқ ушлаган иккала қўл елка кенглигида секин олдинга ҳаракатланади. Ва тўғрига қараб тутиб туради. Мусиқа охангидаги ҳаракатлар тез – тез алмашади. Қайроқ оҳанги ракс ҳаракатлари билан уйғунлашади.

М.Ҳамидуллаева қайроқни испан халқининг зарбли мусиқа асбоби *кастаньета* билан қиёслайди: “Испан рақсларида кастаньетанинг бармоқларга боғланиши бироз енгиллик тутдиради. Уларда товушни кастаньета билан бирга унга боғланган шакилдоклар беради. “Қайроқ Лазгиси”нинг мураккаблиги шундаки, қайроқлар эркин ҳолатда ва тинимсиз ҳаракатда бўлади. Рез орқали товушни ҳам, ритмни ҳам қайроқлар ҳосил қиласади.”<sup>11</sup>

“Қайроқ Лазгиси”да Хоразм ракс мактабининг асосий ижодий тамойили намоён бўлади. У кўп киррали, асрлар давомида бойиб, сайқалланиб келган мукаммал асарлардан бири. Унда ўтмиш қадриятлари, анъана ва удумлар, халқнинг ҳаёти ва турмуш тарзи, орзу – армонларининг турфа кўринишлари бўй қўрсатади. Албатта, санъатнинг барча турлари инсониятнинг дунёга келиши, ўтмиши, ҳаёт тарзи, тириқчилик манбаи билан боғлиқ ҳаракатлар вуа имо-ишоралар жараёнида пайдо бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, ибтидоий жамоа даврида шаклланган илк рақсларда турли руҳий ҳолатлар, кечинмалар, муносабатлар ҳаракатларда асосан товушлар уйғунлигида ифодаланган. Инсоният томонидан яратилган энг оммабоп санъат тури хисобланган ракс ҳар бир ҳалқ тарихида ўзига хос из қолдирган. Бу фикрлар “Қайроқ Лазгиси” га ҳам тааллуқли. У жаҳон ракс санъатининг энг ноёб турларидан бири бўлиб, унда шиддатли, серзавқ ҳаракатлар тили қайроқ билан ҳамоҳанглиқда мукаммаллик касб этади.

Ўзбекистон ҳалқ артисти, атоқли санъатшунос-хореограф Гавҳархоним Матёқубова тўғри таъкидлаганидек, “Хоразм қайроғи қадим-қадимлардан санъатимиз ардоғида. Уни маҳорат билан ижро этиб, ривожлантириб келган устоз санъаткорлар ҳеч қачон унтутилмайди. Қайроқ туфайли Хоразм мусиқа санъати янада бойиди. Қайроқ олдинлари мусиқа асбоби сифатида уфориларда, ҳалфалар қўшиқларида санъатга кириб келган. Энди ўтирган жойида қайроққа ўйнайдиган махсус ижрочилар пайдо бўлди. У Хоразм ракс санъатига янада файз бағишлиб, таъсирчанлигини янада орттириди.”<sup>12</sup>

Бу ракс ўзига хос сюжетли асар бўлиб, ҳар бир усули махсус оҳанг ва ритм билан ижро этилади. Ундаги ўзига хослик новербал ҳаракатлар ўлчови, ўтмиш нафаси сезилиб туради. Албатта, “Қайроқ Лазгиси” да ҳам ракс санъатининг илк ибтидоий кўринишлари – меҳнат ва ов жараёнлари, турли жоноворлар ва табиат ҳодисалари тақлид унсурлари кўзга ташланади. Ракс ҳамма замонларга ҳам яхши кайфиятнинг, ҳаётсеварликнинг белгиси сифатида инсонга бадиий-эстетик завқ бағишлийди. Қайроқ воситасида яратилаётган образ миллий колоритни акс эттиради. Ўтмиш манзараларини жонлантиради, ҳаракатлар ва имо-ишоралар орқали ифодаланаётган ҳолатни, миллий моҳиятни, кайфиятни ва хиссий туйғуларни жозибадор кўринишда томошабинга тақдим киласади. Зоро, ҳар бир ҳаракат муайян мазмун ва эстетик юкни ифодаловчидир. Миллий либослар, безаклар, тақинчоқлар ва рангларга қадар бир-бирига мутаносиб бўлиши шарт.

<sup>11</sup> Ҳамидуллаева М. Испан ва Хоразм рақсларининг уйғунлиги. “Турон замин зиё” Тошкент, 2020, Б.-371.

<sup>12</sup> Матёқубова Г. Лазги Тошкент 2020. Б. -38

“Қайроқ Лазгиси” номоддий маданий меросимизинг ажралмас қисми сифатида аниқ ритмга асосланган бўлиб, рақс ҳаракатлари усул ўзгариши асосида тизимга солинади. Қайроқнинг овоздаги ифодаси қуидагича:

Рақкос ёки рақкоса гўёки қайроқ билан диологик айтишувга киришади. Рақснинг ижро тарзи, оҳанги ва руҳида муайян даражада турли ўзгаришларга учради. Қайсиdir усуллари асалар давомида бойиб, сайқалланиб борди, баъзи бир кўринишлари инқирозга учради.

Қадимда ўйналган “Қайроқ лазгиси” халқ орасида савол-жавоб лазгиси сифатида ном қозонган. Рақкоса ва қайроқнинг уйғунлиқдаги ҳайратомуз мулокоти, жўшқинлик билан вобаста нафис жилоларга бой ҳаракатлари ҳар қандай томошабин қалбини забт этади. Ижро жараёнида рақкосанинг маҳорати, дунёқараши, эстетик тасаввурлари, ҳаракатларнинг ўз жойида ишлатилиши, куй ва рақс мутаносиблигига эришиши катта рақснинг асосий муваффақиятини таъминлайди.



“Доира “лак-ла-у-пом” деб сўзлайди. Қайроқ “така-так-у-том” деб жавоб беради. Сўнг доира “лак-ла-у-пом-лакалайу-пом” деб гўё савол беради. Қайроқ бўлса “така-ла-утам, такала-у-пом” деб жавоб қайтаради.”<sup>13</sup> Нафакат мамлакатимизда, балки хориждаги лазгисеварлар ва ўзбек миллий рақси тадқиқотчиларини айнан савол-жавобнинг турли ҳолатдаги ижро усуллари кўпроқ қизиқтиради. Энг муҳими, “Қайроқ Лазгиси” да кўл-оёқ ҳаракатлари, имо-ишораларни қайроқ оҳанги билан уйғунлаштиришдир. Рақкоса ва қайроқнинг жозибадор айтишви, кўтаринки руҳдаги баҳси томошабин қалбига ҳаётий қувват, муҳаббат ва жўшқинлик баҳш этади ҳамда “Лазги” туркумининг истиқболи порлок эканлигини билдиради. Қайроқ Хоразм рақс мактабини янада бойитди ва унга жўшқин рух ҳамда миллий оҳанг кўшди. Таникли санъатшунос – этнограф Г.Матёқубованинг фикрича, “XX аср охири XXI аср бошларига келиб “Қайроқ рақси” оммавий ўйналадиган бўлди. “Норим-норим”, “Оразибон”, “Уфори наво”, “Сехригие”, лазги куйлари қайроқда маҳсус ўйналадиган рақс бўлиб қолди”.

<sup>13</sup> Ўша манба, Б. -38

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш түғрисида”ги Қарорида түғри таъкидланганидек, “Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган “Хоразм лазги рақси” ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафакат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машхурдир. ЮНЕСКО томонидан “Хоразм лазги рақси” инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганлиги ҳам унинг бетакрор санъат эканлигидан далолат беради.”<sup>14</sup>

Халқ ҳаёти, турмуш тарзи, ўтмиши, анъанаю удумларининг турли қирраларини намоён этадиган ўзбек миллий рақс санъати тарихан катта, ўзига хос мураккаб даврни босиб ўтди. Хоразм рақс мактабининг қадимий анъаналарини тиклаш, бойитиш, халқнинг энг ноёб қадриятларини асраб қолишда “Қайроқ Лазгиси” муҳим аҳамият қасб этади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарори. ЎзА, 2020й. 28 сентябрь.
  2. Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2016.
  3. Курбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1. F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Т.,2011.
  4. Акбаров И. Мусиқа луғати “Ўқитувчи” Тошкент, 1997.
  5. Матёқубова Г. Лазги “Тошкент” Т.2020.
  6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. З-ж. Тошкент, 2005.
  7. Ҳамидуллаева М. Испан ва Хоразм рақсларининг уйғунлиги.“Турон замин зиё” Тошкент, 2020.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарори. ЎЗА, 2020 йил 28 сентябрь.